

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД 5510100; 5111000-3.03
2021 йил “4” июн

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
121-сонли буйруқ
2021 йил “4” июн



ТЕРАПИЯ: ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500 000 -	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510 000 -	Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналишлари:	5510100 - 5111000 -	Даволаш иши Профессионал таълим (5510100 -Даволаш иши)

Тошкент -2021

Тузувчилар:

- Жаббаров А.А.** ТТА 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси
мудири, тиббиёт фанлари доктори, доцент
- Набиева Д.А.** ТТА 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси
мудири, тиббиёт фанлари доктори, доцент
- Касимова М.Б.** ТТА 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси
катта ўқитувчиси
- Мирзаева Г.П.** ТТА 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси
ассистенти

Тақризчилар:

- Хамраев А.А.** 2-сон ички касалликлари кафедраси мудири,
тиббиёт фанлари доктори, профессор
- Собиров М.О.** Тошкент Давлат Стоматология институти, 2- йуналишли
терапевтик фанлар кафедраси мудири, тиббиёт фанлари
номзоди, доцент

-

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил “26” майдаги “12”-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги 121-сонли буйруғининг 1-иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

1.Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни

Ички касалликлар – кенг тарқалган касалликларнинг этиологияси, патогенези, таснифи, клиник кечиши, лаборатория, асбоб-ускуналар, клиник кўрсатмалар ёрдамида ташхис қўйиш, оқибати, асоратлари, олдини олиш чоралари, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тезкор ёрдам кўрсатиш, мустақил равишда текшириш ўтказиш, ишга лаёқатлилигини билиш, даволаш асосларини ўргатадиган модул бўлиб, умумий амалиёт шифокори-бакалавр мутахассислигига оид тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу модул дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалаврият таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу модул дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаган ҳолда, талабани назарий маълумотидан амалий кўникмаларни бажаришга ўргатиб, орттирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга имкон яратади.

Модулни ўқитиш учун гистология, одам анатомияси, ички касалликлар модуллари назарий замин бўлиб хизмат қилади. Ички касалликлар модули кейинчалик бошқа клиник модуллар учун назарий замин бўлиб хизмат кўрсатади.

2.Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари

2.1. Модулнинг мақсади- ички касалликларнинг турли вариантларида, шунингдек, баъзи кенг тарқалган касалликларнинг атипик кечишида, кам учрайдиган касалликларнинг типик кечишида клиник ташхис қўйиш ва уни асослашни, улар асоратларини олдини олиш ва стандартлар асосида даволаш кўникмасини шакллантириш.

2.2. Модулнинг вазифалари

- ички касалликлар этиологияси, патогенези, клиникаси, таснифи, клиник кўринишлари, қиёсий ташхислаш, асоратлари, давоси ва профилактикаси бўйича билимларни шакллантириш;
- аъзолар системаси бўйича касаллардан анамнез йиғиш ва текширишлар ўтказиш малакасини ривожлантириш;
- касалликларнинг асосий клиник мезонларини аниқлашни ўргатиш;
- талабаларда дастлабки ва клиник ташхис қўйиш, текшириш режаси ва врач тактикасини тузиш;
- лаборатор ва инструментал текшириш усуллари натижаларини интерпретация қилишни ўргатиш;

- беморга комплекс даво буюриш ва даво самарадорлигини аниқлаш жараёнларини ўргатиш.

2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

6-семестр якунида:

Талаба:

- энг кўп тарқалган нафас олиш аъзолари ва юрак қон-томир касалликларининг этиологияси, патогенези, классификацияси, клиникаси, асоратларини билиш, касалликка ташхис қўйиш, текширув ва комплекс даволаш режасини тузиш;
- балғамни бактериологик экиш, плевра бўшлиғини пункцияси, бронхография, спирография, бронхоскопия, эхокардиография, юрак қон томирлари доплерографияси рақамли рентгенография, компьютер томография, ядро-магнит резонанс томография, ангиография ва юрак катетеризацияси тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши**;
- беморлардан анамнестик маълумотларни йиға билиш (касаллик ва ҳаёт анамнези). Физикал текширув усулларига асосланган ҳолда беморларни органлар бўйича умумий кўрикдан ўтказиш;
- тахминий ташхисни шакллантириш ва асослаш, беморни текшириш режасини тузиш;
- умумий клиник лаборатор текширувлар натижаларини: умумий қон ва сийдик таҳлили, қоннинг биохимик таҳлили, умумий балғам таҳлили, натижаларини интерпретация қила олиш;
- клиник ва якуний ташхис қўйиш, ташхисни асослаш, режали давони тавсия этишни, касаллик асоратлари ва уларнинг олдини олишни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- юрак қон-томир тизими касалликларини текшириш;
- беморни профессионал сўроқ ва кўрикдан ўтказиш;
- нафас олиш ҳамда юрак қон-томирлари тизими касалликларида инструментал текширув усуллари: кўкрак қафасининг рентгенографияси, ташқи нафас фаолиятини текшириш, пикфлуометрия, қон босимини тўғри ўлчаш, ЭКГ олиш ва натижани интерпретация қилиш, ЭхоКГ текшируви натижаларини таҳлил қилиш;
- касаллик тарихини тўғри юритиш **каби малакаларга (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.**

8-семестр якунида:

Талаба:

- энг кўп тарқалган ревматологик, гастроэнтерологик, нефрологик, касалликларининг этиологияси, патогенези, классификацияси клиникаси, асоратларини билиш, қиёсий таққослаш, касалликка ташхис қўйиш, текширув ва комплекс даволаш режасини тузиш;
- артроскопия, тери-мушак лоскути биопсияси, меъда-ичак трактини эндоскопик текшируви, умумий ва экскретор урография, буйрак артериялари ангиографияси қорин бўшлиғи пункцияси тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**
- беморлардан анамнестик маълумотларни йиға билиш (касаллик ва ҳаёт анамнези), физикал текширув усулларига асосланган ҳолда беморларни органлар бўйича умумий кўрикдан ўтказиш;
- тахминий ташхисни шакллантириш ва асослаш, беморни текшириш режасини тузиш;
- умумий клиник лаборатор текширувлар натижаларини: умумий қон ва сийдик таҳлили, қоннинг биохимик таҳлили, ошқозон ширасини текшириш, тимол ва сулема синамалари, Зимницкий ва Нечипоренко синамаларини копрограмма, ахлатнинг бактериологик экма натижаларини интерпретация қила олиш;
- клиник ва якуний ташхис қўйиш ва асослаш, режали даволашни тавсия этишни, касаллик асоратлари ва уларнинг олдини олишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- ревматологик, гастроэнтерологик, нефрологик касалликлар билан оғриган беморларни текшириш;
- беморни профессионал сўроқ ва кўрикдан ўтказиш;
- қоннинг умумий, биохимик иммунологик, серологик таҳлили, синовиал суюқлик таҳлили натижаларини интерпритация қилиш, меъда-ичак трактини эндоскопик текшируви, барийли рентгенография, умумий ва экскретор урография, ички аъзолар УТТ текшируви натижалари асосида хулоса қилиш;
- касаллик тарихини тўғри юритиш **каби малакаларга (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.**

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

6-семестр:

1-мавзу. Гипертония касаллиги. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларини ва электрокардиограммани интерпретация қилиш, касаллик асоратлари, даволаш стандартлари ва профилактикаси.

2-мавзу. ЮИК. Миокард инфаркти. Касалликнинг этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларини ва электрокардиограммани интерпретация қилиш, даволаш стандартлари ва профилактикаси. ЮИК миокард инфаркти атипик кечиш вариантлари. Эрта ва кечки асоратлари. Кардиоген шок. Ўткир чап қоринча етишмовчилиги. Тезкор терапия.

3-мавзу. Юрак ритм ва ўтказувчанлигининг бузилиши. Юрак аритмиялари. Касалликнинг этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси, текшириш услубларини ўрганиш, ЭКГ таҳлили, даволаш стандартлари ва профилактикаси. Юрак блокадалари. Этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, ЭКГ таҳлили, даволаш стандартлари ва профилактикаси.

4-мавзу. Ўткир ревматик иситма. Касалликнинг этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар жавобларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари ва профилактикаси.

5-мавзу. Юрак митрал ва аортал нуқсонлари. Юрак митрал нуқсонлари. Касалликнинг этиологияси, патогенези, гемодинамикаси, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, инструментал текширувлар натижаларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари. Юрак аортал нуқсонлари. Касалликнинг этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, инструментал текширувлар натижаларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари.

6-мавзу. Инфекцион эндокардит. Этиология, патогенез, таснифи, клиникаси, диагностикаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари.

7-мавзу. Кардиомиопатиялар (КМП). Дилатацион КМП, гипертрофик КМП, рестриктив КМП. Этиология, патогенез, таснифи, клиникаси, диагностикаси. Даволаш стандартлари.

8-мавзу. Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ). Ўткир ва сурункали юрак етишмовчилиги. Этиология, патогенез, таснифи, клиникаси, диагностикаси. Даволаш усули. Ўткир қон айланиш етишмовчилигида шошилиш терапия

7-8 семестр:

1-мавзу. Ревматоид артрит. Касалликнинг этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари ва профилактикаси.

2-мавзу. Серонегатив спондилоартритлар. Реактив артритлар. Псориатик артрит. Этиология, патогенез, таснифи, кечиши, клиникаси, асоратлари, диагностикаси, диагностик мезонлари. Бехетерев касаллиги. Этиологияси, патогенези, таснифи, кечиши, клиникаси, асоратлари, диагностикаси, диагностик мезонлари, даволаш стандартлари.

3-мавзу. Подагра. Касалликнинг этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари ва профилактикаси. Парҳезнинг аҳамияти.

4-мавзу. Системали қизил югурик. Этиология, патогенез, таснифи, кечиши, клиникаси, асоратлари, диагностикаси, диагностик мезонлари, лаборатор таҳлиллар натижаларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари.

5-мавзу. Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги. Касалликнинг этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларини интерпретация қилиш, касалликнинг асоратлари, даволаш стандартлари ва профилактикаси.

6-мавзу. Сурункали гепатит. Касалликнинг этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари ва профилактикаси.

7-мавзу. Жигар циррози. Жигар етишмовчилиги. Этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари. Жигар етишмовчилиги. Жигар комасида шошилиш терапия.

8-мавзу. Гломерулонефритлар. Касалликнинг этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари ва профилактикаси.

9- мавзу. Нефротик синдром. Этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси, текшириш усуллари ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларини интерпретация қилиш, даволаш стандартлари.

10-мавзу. Сурункали буйрак касаллиги. Этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси, текшириш услубларини ўрганиш, лаборатор таҳлиллар натижаларининтерпретация қилиш, даволаш стандартлари.

3.2. Модулдаги амалий машғулотларнинг мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (ўқув клиник амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

3.2.1. Амалий машғулотларнинг мавзулар рўйхати:

6-семестр:

1-мавзу. Бронхитлар.

2-мавзу. Пневмониялар

3-мавзу. Гипертония касаллиги

4-мавзу. Симптоматик артериал гипертензилар

5-мавзу. Атеросклероз

6-мавзу. ЮИК: Стенокардиялар

7-мавзу. ЮИК. Миокард инфаркти

8-мавзу. ЮИК. Миокард инфаркти атипик кечиши. Эрта ва кечки асоратлари

9-мавзу. Юрак ритм бузилиши

10-мавзу. Юрак ўтказувчанлигининг бузилиши

11-мавзу. Ўпка юраги. Нафас етишмовчилиги

12-мавзу Ўткир ревматик иситма

13-мавзу. Юрак митрал нуқсонлари

14-мавзу. Юрак аортал нуқсонлари

15-мавзу. Инфекцион эндокардит

16-мавзу. Кардиомиопатиялар

17-мавзу. Миокардит ва перикардитлар

18-мавзу. Сурункали юрак етишмовчилиги

7-8 семестр:

1-мавзу. Ревматоид артрит

2-мавзу. Деформацияловчи остеоартроз

3-мавзу. Серонегатив спондилоартритлар

4-мавзу. Реактив артритлар

5-мавзу. Подагра

6-мавзу. Бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари: системали қизил югурик

- 7-мавзу.** Бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари: системали склеродермия, дерматомиозит
- 8-мавзу.** Тизимли васкулитлар: Тугунчали периартериит, Гудпасчер синдроми, Вегенер гранеламатози
- 9-мавзу.** Тизимли васкулитлар: Носпецифик аортаартериит. Шенлейн-Генох касаллиги.
- 10-мавзу.** Остеопороз
- 11-мавзу.** Гастритлар
- 12-мавзу.** Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги
- 13-мавзу.** Сурункали холецистит
- 14-мавзу.** Сурункали гепатит
- 15-мавзу.** Жигар циррози. Жигар етишмовчилиги
- 16-мавзу.** Сурункали панкреатит
- 17-мавзу.** Сурункали энтерит. Сурункали колит
- 18-мавзу.** Носпецифик яралли колит
- 19-мавзу.** Сурункали пиелонефрит
- 20-мавзу.** Ўткир гломерулонефрит
- 21-мавзу.** Сурункали гломерулонефрит
- 22-мавзу.** Нефротик синдром
- 23-мавзу.** Буйрак амилоидози
- 24-мавзу.** Сурункали буйрак касаллиги

3.2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:

Модул давомида талабалар кенг тарқалган ички аъзолар касалликларига нозологик классификациялар, лаборатор ва инструментал усуллар ҳамда диагностик меъзонлардан ёрдамида клиник ташхис қўйиш, стандартлар асосида

даволаш ва даво самарадорлигини назорат қилиш, касаллик асоратларини олдини олиш, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тезкор ёрдам кўрсата олиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:

6-семестр:

1. Артериал қон босимни ўлчаш техникасини ўзлаштириш.
2. Нозологияларда ЭКГ да патологик ўзгаришларни таҳлил қилиш.
3. Нозологияларда пикфлуометрия ўтказиш.
4. Ангиноз статусда шошилиноч ёрдам кўрсатиш.
5. Миокард инфарктиди шошилиноч ёрдам кўрсатиш.

7-8-семестр:

1. Бўғим бурчагини аниқлаш.
2. Бўғим айланасини ўлчаш.
3. Кушелёвский 1,2,3 синамаларини аниқлаш.
4. Сурункали буйрак касаллигида коптокчалар фильтрацияси тезлигини ҳисоблаш. (Коккрофт-Голт формуласи).
5. Сурункали буйрак касаллигида коптокчалар фильтрацияси тезлигини ҳисоблаш. (Коккрофт-Голт формуласи).
6. Нефротик кризда шошилиноч ёрдам кўрсатиш.

Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:

УК 1¹. Абстракт фикр юритиш, ходисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

УК 3. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;

УК 4. Касбий ва ижтимоий фаолиятнинг ҳар хил турларида гуманитар, табиий, тиббий-биологик ва клиник модулларнинг услубларини амалиётда қўллаш;

УК 5. Сўраб-суриштиришни, физикал кўрикни, клиник текширишни, замонавий лаборатор-инструментал текширишлар, биопсия, операция ва секция материалларини морфологик таҳлил қилишни олиб бориш ва интерпретация қилиш.

¹ УК- умумий компетенция

УКК 1². Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот, библиографик манбалар, биотиббӣёт терминологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёрлик;

УКК 2. Касбий фаолиятни такомиллаштириш мақсадида назарий ва амалий маҳоратни қўллаган ҳолда қарорларни излашга асосланган далилий тиббӣётнинг кўп масалаларини ўз ичига олган тамойилларга таяниб тиббий маълумотларни тизимли таҳлил қилишни шаклланишига қобилият ва тайёргарлик;

УКК 3. Келажакда профессионал фаолиятдаги муаммоларни ҳал қилиш учун оғзаки ва ёзма равишда рус ва хорижий тилларда мулоқот қилишга тайёрлик кўриш.

Модул давомида ўқув амалиётни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Талабаларнинг ўқув амалиётини 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедрасининг ўқув ҳоналарида ўтказилади. Амалий кўникмаларга (уқувлар) ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб-анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабалар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб-анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намоиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни қадамма қадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, волонтерларда кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, кейинчалик умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга рухсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар қадамма қадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш

² УКК – умумий касбий компетенция

мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжляр, волонтерлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намоиш этилиши, танқидий муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма афтоматизм даражасигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилиш ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва х.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, касаллик тарихини ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда модулни ўзлаштирган ҳисобланади.

4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.

4.1.Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:

6-семестр:

1. Ташқи нафас функциясини ўрганиш.
2. Ўпканинг йирингли касалликлари: ўпка абсцесси ва гангренаси.
3. Бронхоэктатик касаллик.
4. Ўпканинг интерстициал касалликлари. Саркаидоз. Фиброзланувчи альвеолит.
5. Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги.
6. Бронхиал астма.
7. Ўпка артерияси тромбоземболияси.
8. Ўткир чап қоринча етишмовчилиги. Юрак астмаси ва ўпка шиши.
9. Нейроциркулятор дистония.
10. Ўткир коронар синдром.
11. Аорта аневризмаси.
12. Лериш синдроми.
13. Юракнинг туғма нуқсонлари.
14. Антиаритмик дори воситалар таснифи.
15. Юракнинг импульс ўтказиш системаси.
16. Юрак ритм ва ўтказувчанлиги бузилишининг мураккаб турлари: Фредерик синдром, қоринчаларнинг вақтидан олдин қисқариши.
17. Коронароангиография.
18. Юрак ритм ва ўтказувчанлиги бузилишида даволашнинг инвазив усуллари.
19. Симптоматик артериал гипертензиялар дифференциал диагностикаси.
20. Гипотензив дори воситалар классификацияси.

7-8 семестр:

1. Бўғим касалликларини замонавий текшириш усуллари.
2. Бўғим синдроми қиёсий таққослаш.
3. Бириктирувчи тўқима диффуз касалликларини замонавий текшириш усуллари.
4. Антифосфолипид синдром.
5. Умуртқаларт остеохондрози. Спондилёз. Спондилоартроз.
6. Ревматик полимиалгия.
7. Полииндром ревматизм.
8. Шарп синдроми.
9. Шегрен касаллиги.

10. Яллиғланишга қарши ностероид ва стероид дори воситалари классификацияси. Қарши кўрсатма ва ножўя таъсирлари.
11. Кардия ахалазияси.
12. Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги.
13. Баррет қизилўнгачи.
14. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги асоратлари, диагностикаси.
15. Вильсон-Кановалова касаллиги.
16. Ўт йўллари дискинезияси.
17. Крон касаллиги.
18. Ичак дисбактериози.
19. Уиппл касаллиги.
20. Ичак таъсирланиш синдроми.
21. Буйрак касалликлари замонавий текширув усуллари.
22. Тубулоинтерстициал нефропатиялар.
23. Сийдик тош касаллиги.
24. Ўринбосар терапия: гемодиализ, плазмаферез. Буйрак тансплантацияси.
25. Ўткир буйрак етишмовчилиги.
26. Нефротик криз.
27. Интерстициал нефрит.
28. Буйрак поликистози.
29. Диуретик дори востилари классификацияси. Кўрсатма, қарши кўрсатма, ножўя таъсирлари.
30. Тизимли касалликларда буйракларнинг шикастланиши.

4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:

Ички касалликлар модули бўйича тавсия этилаётган мустақил ишлар модули тизимида турли хил шаклда амалга оширилади:

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;
- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалаларни ечиш;
- кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
- график органайзерлаш ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
- кроссвордлар тузиш ва ечиш;

– презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Ички касалликлар модули бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқарида ўтказилади.

Талаба мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машғулотларидан ташқари муляж ва симуляцион залларда/марказларда тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;

- тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган рўйхат асосида навбатчи шифокор-педагог назоратида стандартлаштирилган пациентлар (беморлар) курациясини ўтказиш ва олиб бориш, дори билан даволаш таҳлилини ёзиш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

- тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

- беморларни курация қилишда даволовчи ёки навбатчи шифокор билан биргаликда иштирок этиш;

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тамойиллари ҳақида суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайерлаш;

- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;

- CASE (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш.

- кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

Ички касалликлар модули бўйича курс иши режада кўзда тутилмаган.

Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари

Ички касалликлар модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- оралиқ назорат(ОН);
- якуний назорат (ЯН)

Модулга ажратилган 12,0 кредитни талаба ЖН давомида йиғади.

ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Ички касалликлар модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар, муляж ва волонтерда ишлаш маълумотларини ўрганиш, амалий кўникмаларни қадамма-қадам бажариш, беморлар билан ишлаш, клиник аудит ёзиш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

